


Энди сўзни яна Гў силингдан бошлаймиз. Кучо шахридан кочиб чикишган Хўжаниёз билан Момут силинг Оксу шахрига келганларида шахар хокими бўлиб турган Бой жужонг(Милиция бошлик, миршаббоши (хит.).) буларга карши чикиб кутиб олган бўлсам-у, яна ўрталарида бирлик-иттифоклари йўк эди. Чунки Урумчи жонгжунг хукумати йикилган кундан бошлаб хар бир шахарда кўзголон кўтарилмиш эди.

Оксуликлар бўлса хукумат шахри бўлган Осук кўргонига хужум килишиб, ундаги борлик хитойларни ўлдиришган сўнгида кўзголон кахрамони Бой жужонгни ўзларига хоким килиб олмиш эдилар. Шунинг учун бу кора ботирнинг кўнглига хам амирлик хаваси тушмиш эди. Бунинг устига бутун Оксу халки ва хам атрофдаги калволар(Телба (уйгурча).) ичида бу одамнинг обрўси ошиб, хурмати бек кўтарилмишдур. Буни кўрган амалпараст кора ботирларнинг хасадлари кўзголиб, у билан хеч бир ишда келишолмадилар. Балки Бой жужонгнинг хар кандай бўлса хам Ислом иттифоки куришга кўнгли борлиги сезилгач, инсон иблислари тарафидан унинг чораси кўрилмиш эди. Шунга кўра дунганларга карши Оксу устида бўлган отишмада оркадан отилган ўк билан ўлдирилмишдир. Бу кимнинг томонидан отилганлиги маълум бўлмаса хам кўпчилик халк бу хиёнатни Хўжаниёздан кўрдилар. Шунинг учун яна ўзаро иттифоклари бузилиб, Оксу урушида буларга кўра бир ховуч келмаган дунган аскарларидан каттик енгилгач, Хўжаниёз, Момут силинг аскарлари билан Кошгарга караб чекинмиш эдилар. Кандок бўлса хам уруш ишларида озу кўп тажриба кўрган Гў силинг буни кўргач, дархол Мохусанг кўмондасида бир бўлук аскар белгилаб, кочкинларни кувлашга буюриб, ўзи

Оксу элидан сўкиш солиги олиш учун тўхталмишдир. Шу кунлари эса Кошгар хар томондан тўпланган бир-бирлари билан келишолмаган, онгсиз, сиёсатсиз бир неча кора кучлар маркази бўлмиш эди. Шундокки, Хўтан томондан Собит домлам бошлик Шохмансур кўмондасида Хўтан аскарлари; Ўрумчи хукумати йикилгач, шахар босиб биринчи кўзголон кўтарган Усмон киргиз бунга карши йўк мансабни талашиб курбон бўлган кучолик аробакаш Темур жужонг ва хам Фаргона томонидан кочиб ўтган кўзголончилар колдиги Юсуфжон кўрбоши, булардан бошка яна бир канча куролланган онгсиз кора ботирлардан бўлиб, ожизгина халк кучи бир ўринга тўпланмиш эди.
Бу мусулмонлар хар канча бўлганлари билан хали динсизлар хокимияти буларга кириб, шум таъсирлари ўтмаганликлари кўнгилларида озу кўп Исломиятнинг мухаббати сакланмиш эди. Агар шу ахволда онглик, ўткир сўзлик, хурмат эгаси бўлган бирорта одам ўртага отилиб чикиб, янгидан курилган эркин Туркистон хукуматига Оксудан келаётган Гў силингни бош кўмондон сайлашиб карши олишган бўлсалар, мусулмонлар ўртасида бу кадар бузгунлик тушиб, мунчалик кўнгилсиз ишлар чикмаслиги мумкин эди. Бирок “иккинчи Бухоро” аталган Кошгардан бошлаб, бутун Олтишахар Уйгуристон ўлкасида бу каби улуг сиёсий иш ухдасидан чиккудек етук бирор одам йўк эди. Шунинг учун бечора мусулмонлар шунчалик огир бўлгунликка учрамиш эдилар. Чунки давлат куриш асбоблари кўлда тайёр турган бўлса хам, ўз ўрнида ишлата олгудекустакорлари йўк бўлгач, ундан фойда ололмадилар. Бунинг устига кизил маккорлар мусулмонларнинг ўза-ро иттифокликлари билан курилмокда бўлган янги хуку-матлари бирорта давлат томонидан танилиб колмасин деб, унинг чорасига каттик киришмиш эди. У кунлари эса Кошгарда Совет Русиясига карши Англия консулхонаси хам ишламакца эди. Ерликхалкдан ташкилий равишда иш олиб борувчи сиёсий кишиларнинг йўклигидан ва хам жўгрофий ўрнимиз маданият оламидан бек йирок турганликдан биз икки Туркистон ерли халки асрлар бўйи кутилган шу инкилобий ўзгаришдан етарлик равишда фойдаланолмай колдик. Шунга кўра бизларнинг такдиримиз ўз душманларимиз кора, кизил аждархоларнинг хисобига караб белгиланмокда бўлди.
Байт:
Умидсиз бўлма Согуний, умидинг кўзгуси бордир,
Коронгу кеча сўигидин куёшнинг чиккуси бордир.
Энди юкорида айтилганича Гў силинг ўзи Оксуда тўхталиб, кўмондонларидан Мохусанг кўл остида бир бўлук аскарни Кошгарга юбормиш эди. Булар эса Хўжаниёз, Момут силинг аскарларини кувлаганича юриб ўлтириб, Кошгарга якинлашиб колдилар. Илгаридан бери кўпчилик Олтишахар халки курук аток, ёлгон доврук, хурофий сўзларга берилган бўлганликдан Хўжаниёзларнинг Гў силинг аскарларидан кочиб келаётганликлари булар учун каттик кўркинч тугдирмиш эди. Кискаси, Кошгар халки кенг далада чўпонсиз колган, атрофини оч бўрилар ўраб олган бир тўда эгасиз колмиш кўйлар каби бўлиб турган холда дунган аскарлари етиб келди. Буларга карши хеч кандай чора кўрилмаганлиги уларга маълум бўлгач, эркинлик билан тилаган жойларига тушиб, ўринлашиб олдилар. Сўнгра карасалар, ўзлари учун ва хам ерлик мусулмонлар учун кутилган фойдалик ишлар устида маслахат кўрсатиб, булар билан келишиб ўзлашадиган бирорта одам бўлмади. Бечора кўпчилик мусулмонлар икки дунё бошлигимиз, деб санаган, хар яхшиликни шулардан кутган чаламулла домлалари сиёсат оламидан хабарсиз, тўгриси, хакикий Исломиятдан бахрасиз бўлиб, эътикод-ишончлари бўшликдан мусулмонлар бошига тушган шу каби огир кунларда хеч кандай хизмат кила олмадилар. Йўк эса, Куръонда “Иннамал мўминуна ихватун”(Хужурот сураси, 10-оят.) ояти бор бўла

туриб, бунга ишонган мусулмонлар учун Ислом кардошлигидан фойдаланмай мумкин эмас эди. На чораки, бу ишни амалга оширувчи хакикий одамлар йўклигидан Ислом олами устига ўша кунларга ўхшаш дахшатлик офат-балолар хар вакт ёгилиб турмокдадур. “Яхшилик кўрсанглар - Биз килгон бўлурмиз, ёмонликка колсанглар, бошкадин кўрмай, ўзларингдан кўринглар,”(Нисо сураси, 79-оят мазмунича.) деган Куръон сўзи албатта хакдир. Шундай бўлиб Мохусанг умиди Кошгар халкидин узилгач, ким бўлишига карамай, курол топширишга буйрук чикарди. Бунга каршилик кўрсатилгач, шу бахона билан уруш бошланиб, хар икки томондан ўринсиз конлар тўкилди. Айникса, булар ичида кўпрок каршилик кўрсатган Фаргона кўрбошилари колдиги Юсуфжон кўмондасидаги ўзбек йигитлари эди. Булар эса хонадонлар уй[девор]ларини тешиб олишиб, хужумчи дунган аскарларига кўпрок зарба бермиш эдилар. Шунга карши булардан хам ким кўлга тушган бўлса, тирик колмай ўлдирилмишдир. Булар ичида Совет Русияси кизил маккорлари учун кераклик кўрилган хизматчилари Хўжаниёз аскарлари бўлиб, Андижон чегара томонига чекинишиб, дунганлар кўлидан кутулмиш эдилар. Вакти келар экан булар оркалик ўз ишларини бажариш учун шулар каби онгсиз одамлар бўлиши, албатта, зарур эди. Шунинг учун булар совет чегара аскарлари кўригида куролланган холда сакланиб колдилар. Булардан бошкалари эса агар ўлимдан кутулолган бўлсалар, чил(Беданадан каттарок, сезгир ва хуркак, овланадиган бир куш тури.) тўзигандай хар томонга таркалиб кочгали турдилар. Кошгардан йигирма чакирим жойдаги Янгишахарда эски хукумат йикилган кундан бошлаб хеч кимга бўйсунмай камалиб ётган беш-олти юздан ортик куролланган хитой аскарлари эса Гў силинг аскарлари учурини(Хабар (чиг. туркча).) англашлари билан келиб, буларга кўшилмиш эдилар. Шунинг учун бало устига ортикча бало бўлиб, Кошгар шахри ичида Чингиз вахшийларини эскартиргудек ишлар булар томонидан кўрилмиш эди. Бунга карши хеч кандай чора килолмадилар. Чунки халк ўта онгсиз эди, сиёсат дунёсидан бутунлай бехабар, колок эди. Шундокки, йигирма-ўттиз йиллаб кўз олдиларида бўлаётган кон-кариндош, дин кариндошлари Туркистон халклари бошига келган руслар боскинчилиги, коммунизм балосидан ибрат олиш ўрнига булар учун янги хаёт бозори очилмиш эди. Закотсиз йигилган харомхўр ўзбек бойларидан колган харом мол, олтин-кумуш дунёларни нажосат кўнгизларидек ташигандан-ташиб ўлтириб, энг охири ўзлари остида колиб халок бўлдилар.

Хакикий имон билан таклидий имон фарки Куръон хукмига амал килиш-килмаслик билан маълум бўлгусидир. Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи васаллам: “Молингларни закотини тўлик адо килиб, темир кўргонга каманглар, яъни закот молнинг темир кўргони бўлиб, офатдан омон бўлур,”(Бухорий, 3/1330.) - демиш эдилар. Расулуллохнинг бу сўзларига гумон келтириб закотсиз йиккан молу-дунёлари, Куръон айтгандек, киёмат нусхаси бўлиб, ўз ихтиёрларича топширмагач, киздирилган холда танларига ўтлик тамгадек босилмиш эди. Чаламулла ва бир канча нодон бойлар била туриб закотсиз саклаган молларини ихтиёрий равишда топширишга кўзлари киймагач, киздирилган ёмбуни танларига тамга босган зарбидан кўплари халок бўлдилар.

Лекин булар ичида асли маргилонлик ўзбек бойларидан Мухиддинбой деган киши 1934 йили инкилоб бошланиши биланок, бутун мол-мулки, бола-чакалари билан эсон-омон Хиндистон чегарасидан ўгиб, кутулиб кетмишдир. Бу киши, ўзим кўролмаган бўлсам хам, ишонимлик ва чин сўзлик кишиларнинг айтишича, тижорат ишига киришган кундан бошлаб шу кеткан вактигача закотини колдирмай бериб келган киши экан. Шунинг шарофати бўлиши керак, Покистон маркази Карочида улуг тижорот ширкати очиб

бурунгидан бойлиги бир неча бор кўтарилмишдир. Илгари Кошгарда турганда коммунистлар зулмидан ўз ватанларига сигмай у томонга кочиб ўтган аламзада хамшахарларига кандай ёрдам еткизган бўлса, Афгонистон, Хиндистон мамлакатларида сарсон бўлиб юришган ватандошларига хам шу имконият борида ёрдам бўлмишдур. Бундан бошка Кошгарнинг энг зўр бойларидан Умар-охунбой, ўзбеклардан Сотволдибой - булар хам шу пайтдан фойдаланиб, Чотра(Хиндистонга ўтиш йўлининг номи.) Хиндистон оркали Икки Харамга боришган бўлсалар хам, ўзларининг нодонликларидан, кўргуликлари бўлса керак, бир-икки йил ўтмаёк кайтиб келишиб, хаммалари шулар кўлида халок бўлдилар.
Кизил маккорлар эса бир томондан ўз сиёсатларининг амалга ошганини кўргач, кахкахлаган бўлсалар хам, иккинчи томондан буларнинг тўймаган, оч кўзларини киз кидирган Кошгар бойларининг олтин-кумуш, мол-дунёлари бошкалар кўлига кираётганиуўйнатиб, ичларидан кон ўтмокда эди.
Мана шундай бўлиб, бир хафта-ўн кун талон-булон, от-чоп ишлари бир оз босилгандан кейин Оксуда колган Гў силинг бу ердан бўшаниб, тўгри Кошгарга келмиш эди. Эртаси ийдгохга(Хайит намози ўкиладигаи маскан, жомеъ масжид ёки майдон) йигилган калин халк устига келиб, бўлиб ўтган кўнгилсиз ишлар учун каттик ачинган холда бунга ўзининг норози эканлигини билдириб, кўпчиликдан кечирим сўрамишдир.
Бирок бу ўттиз ёшга етмаган кахрамон кўмондон бир ёги ёшлиги бўлса, иккинчи ёкдан хозирги сиёсат сохасидан йирок турганлиги учун, бу келишида катта бир халокатлик хатарга йўликиб колди. Шундокки, маккорлар маркази Кремлнинг топшириги бўйича Кошгардаги совет консулхона хизматчилари бу шункор кушни тўрга тушириш учун каттик киришмиш эдилар. Шунинг натижаси бўлгайким, булар билан сиёсат алокаси боглаш хаваси анинг кўнглига тушмиш эди. Ишонимлик, тушунган кишиларнинг айтишларича, хилма-хил арок-шароб ичимликлардан тортиб, инсон нафси кизикарлик турли-туман ноз-неъматлар, айникса, шайтон тузоклари(Бу ерда енгилтабиат аёллар.) консулхонада булар хурматига тайёрлангандан кейин Гў силинг эллик-олтмиш чамали аскар бошликлари билан зиёфатга чакирилмишдир. Ўз элидан чикардаги улуг умидлари узилиб, Куръон кўтариб касам ичган ёлгон мусулмонлардан кўнгли совиган холда бу каби одам шайтонлари сухбатларида мажлис ўтказган телбаконлик ёшларга кандок бахо беришимиз окиллар олдида очик бир масъаладир. Мана шу мажлис ўтказилгандан кеиин “Фи сабилиллох” шиорлик кахрамонларнинг химмат ўтлари сўниб, олий фикрлариўзгара бошламиш эди. Кеча-кундузлаб, балки хафта-ойлаб Гў силинг бошлик аскар кўмондонлари консулхона айш-ишратларига берилмиш эдилар.
Иш шу холига етгач, Пайгамбаримизнинг “Мўмин одам имон нури билан хакни ботилдан, тўгрини эгридан ажрата олур,” (Бухорий, 10/4881.) деган муборак сўзларидан улар ажрадилар. Шунга кўра кўп ўтмаёк буларнинг сўзларига алданиб, Гў силинг ўзига карашлик эллик-отмиш навкирон аскарбоши офицер йигитлари билан илон огзига тушган чумчукдек ўз ихтиёрлари билан чегарадан ўтиб, кизил жаллодлар кўлига топширилдилар. Чегарадан ўтишлари биланок хаммалари куролсизлантирилди, ундан кейинги ахволлари бизга номаълумдир...
Бу Гў силинг аскарлари “саккизинчи армия” деб аталган хитой коммунистлари кўшинига бир неча мартаба зарба етказмиш эдилар. Бир хийла билан буларни осонгина тўрга илинтирдилар. Шундай бўлиб, ёлгиз Шаркий Туркистон эмас, балки бутун хитой тупрогида бўлган кўзгалишлар Совет Русия коммунист хукумати сиёсатига мослашган холда хал бўла бошлади.

Мохусанг бўлса бу вокеадан илгариёк Хўтан томонига юриш килиб, Ёрканд, Корголик, Хўтан атрофи билан Чорча, Чорчалик ерларигача эга бўлиб ўлтирмиш эди. Хар томондан кочган-писганлар сигингудек, жой топилмай юрганларга бошпана бўлган Хиндистонга кўп одамлар бунинг вактида мол-жонлари билан Чотра йўли оркалик ўтиб кутулдилар. Лекин курук оти бўлса хам янги курилган эркин Туркистон хукумат раиси домла Собит бошлик етти кишидан иборат давлат аъзолари нима килишларини билмай, жалдираганларича баъзилари ўз уйларида, колганлари яширинган холда юрган эдилар. Буларнинг кундалик ахволлари совет консулхонасига етказилиб, маълум бўлиб турмокда эди. Шунгачалик совет консули оркали сакланиб келган Хўжаниёз ўкитган ёш боладек тайёрланмиш эди.
Унинг тилидан, кўлидан хужжат хат олганининг устига ерлик хукумат аъзолари бошлик бойлардан ва бошкалардан кўрсатилган кишиларни колдирмай ушлаб, Шин дубанга топшириш шарти хам унга 1934 йили совет консули томонидан топширилмишдир. Кўйилган бир канча шартлик моддалар Хўжаниёз томонидан бажарилган такдирда, уни мусулмонлар вакили ўрнида Шин дубан ўринбосари килишга ваъда бердилар. Шундай бўлиб, бари ишлар кизил марказ томонидан колипга кўйилиб тайёрланган сўнгида Хўжаниёз калпоги остида кизил жаллодлар ишга киришгали турди. Халк кўзини кўркитиб, юракларини мужиш, хаммага дахшат кўрсатиб, эл ичида хайбат ошириш буларга конуний шиор бўлганликдан хеч кандай кийинчилик кўрмаган, айникса, диний одамлар, катта-кичик бойлар, халк ичида кўзга кўринарлик кишилар биринчи навбатдаёк кўлга олиндилар. Булар ичида Махмудохун халфатим, юкорида айтилган дунганлар кийновида вафот топган бўлса хам, биз билган Кошгар уламоларидан домла Собитохун Отуш, Собитохуним Кизилбуя, Хошимохун халфатим, Шамсиддин домлалар бошлик оз бўлганда дин арбобларидан кирк-эллик одам шу инкилоб курбони бўлдилар. Юкорида номлари ёзилган олимлар китоб ёзиб, асар тасниф килишга кудратлари етарлик эди. Хайфки, домла Собитдан бошка бирорталаридан ўз кўлларида ёзилган асар борлиги бизга маълум эмас. Шундай бўлиб, бу бечораларнинг кийнов остида ўлганларидан колганлари кўл-оёкларига занжирлар солинган холда Урумчига Шин дубан боскинчининг олдига олиб келиниб, оз бўлганига ўн йилдан муддатга турмага кесдилар.
Олтмиш ота-боболаримиздан колган ўз ватанларимизга, эл катори инсоний хакларимизга бошкалар каби биз хам эга бўлайли, деган тўгри талабларидан бошка буларнинг нима гунохлари бор эди?!
“Ва аъидду лахум мин кувватин”.(Анфол сураси, 60-оят.) Бу оят маъноси “Душманингларга карши имконият борича куч-кувват тайёр килинглар” демакдир. Мусулмонлар Куръоннинг ёлгизгина шу хукмига амал килган бўлсалар, бутун дунёга хукмрон бўлиб, Ислом адолати Ер устида ўрнашган бўлар эди. Бу сўзнинг хаклигига шак йўкдир, чунки Пайгамбаримиз айтдилар: “Менинг умматларимдан кайси киши агар яхшилик кўрса, уни Оллохдан кўрсин. Буни менга Оллох берди деб билсин. Агар ёмонлик кўрар экан, ўзидан кўрсин, ўзини маломат килсин”.(Бухорий, 9/4206.) Куръон хукмига кўра бошкаларга ватанларини бостириб, ўз миллий хукуматларидан ажраб, уларга тобун бўлган мусулмонлар Оллох амрини бажармаганликдан Худо олдида жавобга тортилиб, икки дунёда хам хорликка коладилар. Бизнинг инкирозимизга энг биринчи сабаблардан бири иттифоксизлигимиз бўлди. Куръон эса мўминларни бирлик-иттифокликка каттик ундайди.(Оли Имрои сураси, 103-оят.)
Яна ўз сўзимизга келайли. Кизил сехрчилар кўли билан ёндирил ган фитна ўтлари эса яна шуларнинг курол кучлари оркалик сўндирилиб, 1934 йили ўзлари тилаганларича Шин

дубан хукумати курилди. Или вилоятига волий килиб Шин дубан ўз кайнотаси Чу силинг деган бир кари хитойни Гулжага юборди. Тўкмокдан борган бойлардан асли кошгарлик Олмосбек ўгли Турдиохунбекни унга ўринбосар килди. Лекин Шин дубан хукумати хар томондан совет сиёсатига богланганликдан бутун ишлари совет консули маслахати билангина юргизилмокда эди. Чунки, японлар Манжурияни босиб олгач, Шаркий Туркистон тарафига кўз солиш хавфини тугдирди. Шунга кўра, Шаркий Туркистон ўлкасига япон аскарларини ўтказмаслик учун Шиншишо(х)(Хитой билан Шаркий Туркистон чегарасидаги стратегик ахами-ятга эга бўлган жой.) кисмогига совет томонидан йигирма минг чамали аскар кўйилмиш эди. Бугун Шаркий Туркистон Гарбий Туркистонга ўхшаш хар ёклама совет сиёсатига ўралган холда хамма иктисодий ишлари Масков кўлига ўтган бўлса хам, Советлар хитой хукумати билан японларга карши иттифокдош бўлганлигидан когоз устида бу ўлка Жунгўнинг(Хитойнинг хитойча оти, “Марказдаги давлат” демакдир.) айрилмас бир кисми хисобланарди. Шундай бўлиб, Шаркий Туркистон - Уйгуристон тупроги отига Чанкайши хитой хукуматига караган бўлса хам остиритдан Совет Русия хар томонлама ўз таъсири остига олиш учун каттик кириша бошлади. Айникса, бу ўлканинг иктисодий ишлари бутунлай советга боглик бўлгани учун тижорат ишлари тўскинликка учраб, ишсиз колишга тўгри келди. Маълумдирки, канчалик халкаро иктисодий кисмчилик кўпаяр экан, шунчалик булар халокат тузогига якинлашадилар.

Эшитар кулокка ёкимлик “олти шиор”ни ўртага отиб, советнинг найранги билан бутун халкни турлик йўсинда ўйнатгали турди. Бунинг устига “Японларга карши орка сафимизни чингитиб, хитой Чанкайши хукуматига ёрдам берамиз”, деган бахона билан бойлардан нургунлаб солик олабошладилар. Шундай килиб,халкни турлик йўллар билан ўйнатиб 1937 йилга етгач, ўз планига мувофик бирданига иш ўзгариб, киш совуги январь ойида Гулжа шахридан биринчи навбат Турдиохунбой бошлик ўттиздан ортик киши хеч кандай сабабсиз камокка олинди. Шундокки, олдинрок совет консули тузган режа оркали керакли кишилар Гулжа волийси Чу силинг томонидан мажлисга чакириладилар. Кеч соат 12 ларда мажлисдан кайтиб келаётганда тайёрлаб кўйилган тўрт нафар куроллик хитой аскари олдидан чика келиб, Турди охунбойнинг машинасини тўхтатади. Кийимини ечинтириб, бир кават кўйнаги билан ўзини ёлгиз коронгу подвалга камаб кўяди. Бошка кўлга олинганларнинг ахволи бу ишдан маълумдир. Ярим тунда хеч нарсадан хабарсиз ётган оиласи устига бостириб кириб, йирткичларча дахшат солиб, хотин-киз, келинларнинг бўйин-бошларидаги бутун зийнат асбобларигача талаб олиб, ўзларини эски кигиз тўшаклар билан каршиларидаги какшаб-музлаб ётган Ахтамбойнинг курук кўрасига шу кахратон кишда хайдаб чикарди. Энг ачинарлиси шу эдики, Турди охунбойнинг йигирмадан ўзган Нуртой деган ва йигирмага хали етмаган Ахмадбек деган икки ўглини, бу ўспирин гунохсиз икки фарзандини ётган ерларидан шундай совукда кўйнакчан хайдаб олиб бориб, подвалга камаганлар. Шу камалганлар сўнгида бир неча ойлар ўтган бўлса хам булар хакида хеч кандай хабар олиш мумкин эмас эди. Ўзларидан хабар олиш сўзи бу ёкда турсин, ноз-неъмат вактида биргалашган, энг якин кўрган ошна-огайниларидан уларнинг оч-ялангоч колган оилаларининг холини сўрашга хеч кайсилари журъат килолмадилар. Шу биринчи навбатда камалган кишиларнинг кўра-жой, мол-мулк, уй-рўзгор, жонлик-жонсиз барча нарсалари олиниб, бола-чакалари кўчага хайдаб чикарилди.

Турди охунбой иниси Курбонтой кори кулоги йўк хисобида гарангликдан, давлат шериги бўлса хам, кўра-жойи ўз олдига бўлиб, бошка ўлтирганлиги учун унга тегмаган эдилар.

Вактида селдек келган, кайтарида из ўчириб куюндек кетаётган давлатни кўли билан тўсмокчи бўлиб, “кўй” десак унамай, чет ёкада колган мол-дунёлардан кисиб-кимтиб яширинча олиб колмокчи бўлиб эди, хитой коппида(Шартта (уйгурча).) ушлаб, кўра-жойи билан борлик нарсаларини ёргу килиб, ўзини камаб кўйди. Бечора синглиси Тошхон хитойларнинг бўсагасига бош уриб катнайверганидан етмиш кун деганда аранг бўшаниб чикди.

Байт :Давлат бошдан кетарда кенг кийиминг тор бўлур,
“Кўй” деганга кўнмаган орачига зор бўлур.

Оллохнинг амрини килиб нахийдан кайтмаган киши-ларни балодан ким куткара олгусидир? Халол касб молини дунёлик-охиратлик офатлардан омон саклаши учун Оллох таоло закотни темир кўргон килмиш эди. Дунёга кўнгли билан каттик берилганликдан Куръон хукмига, Пайгамбар сўзига гумон келтириб, закотсиз, хайр-эхсонсиз йиккан, кўргонтошида(Ташкари.) колган харом мол-дунёларни ит-кушларга ем бўлишдан ким саклай олади? Куръоннинг айтишича, хеч вакт Оллох таоло мўмин кулларига ато килган халол ризкларини харомхўр кофирларга едириши мумкин эмасдир.

Алихонтўра Согунийнинг
"Туркистон кайгуси" китобидан